

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

### Доцентлар:

Тиббий педагогика факультети-га қарашли факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси.

Тиббий педагогика факультети-га қарашли юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси

Тиббий педагогика факультети-га қарашли УАШ тайёрлаш ва 2-сон УАШ қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ўқув курси кафедраси

### Катта ўқитувчи:

Тиббий педагогика факультети-га қарашли УАШ тайёрлаш ва 2-сон УАШ қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ўқув курси кафедраси

### Ассистентлар:

Тиббий педагогика факультети-га қарашли патология кафедраси

Тиббий педагогика факультети-га қарашли Факультет ва госпитал

жарроҳлик кафедраси

Тиббий педагогика факультети-га қарашли юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси

Тиббий профилактика факультети-га қарашли болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси

ОМХ факультети-га қарашли суд тиббиёти кафедраси

Даволаш факультети-га қарашли ИКП, гематология ХДЖ ва лаборатория иши кафедраси

Даволаш факультети-га қарашли асаб касалликлари кафедраси

Даволаш факультети-га қарашли УАШТ эндокринология кафедраси

Даволаш факультети-га қарашли УАШ тайёрлаш клиник аллергология ва 1-сон УАШ қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ўқув курси кафедраси

Даволаш факультети-га қарашли УАШ акушерлик ва гинекология кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

ТТА ректорати, касаба уюшмаси, УАШ педиатрия кафедраси, меҳнат жамоаси шу кафедра доценти  
**Дилора Усмонова Ханбабаеванинг**  
бевақт вафоти муносабати билан мархуманинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТТА ректорати, касаба уюшмаси Анатомия ва ОХТА кафедрасининг катта ўқитувчиси Бахтиёр Ергашевич Худойбергеновга падари бузруквори  
**ЕРГАШ отанинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,  
L.Abuqodirova.

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
**Gazeta bepul tarqatiladi**



## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ — НУРЛИ ИСТИҚБОЛИМИЗ КАФОЛАТИ



Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетида 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан тантанали байрам тадбири ўтказилди.

Мустақил Ватанимизнинг осойишталиги, тинч ва осуда ҳаётимиз юртимиздаги барқарорлик туфайлидир. Мана шу барқарорликни, истиқлолимизни, миллий хавфсизлигимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз сафида Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини шараф билан адо этиб, эл-юрт фаровонлиги ҳамда тинчлигини таъминлаётган, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатаётган, ўз тақдирини ҳарбий соҳа билан боғлаган инсонлар—ҳарбий хизматчилардир, улар жаннатмакон юртимиз нурли истиқболнинг кафолатидир.

Мана шундай беқиёс соҳа вакиллари-нинг байрами — Мустақиллик шарофати билан мана 23 йилдирки Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланиб келинмоқда.

Бу байрамнинг таровати, шуқуҳи йилдан йилга ортиб бораётгани жуда қувончлидир. Нуфузи, мавқеи жиҳатидан энг улуғ ва муқаддас байрамимиз Мустақиллик байрами сингари умумхалқ байрамига айланди.

Тантанали байрамга Ўзбекистон Республикаси Тошкент Тиббиёт академияси ва Тошкент Тиббиёт академия-

си ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети раҳбариятлари томонидан Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали байрам тадбири ташкиллаштирилди. Тадбирда Тошкент Тиббиёт академияси ректори академик Ш.И.Каримов, Тошкент Тиббиёт академияси проректорлари, профессор-ўқитувчилари, Мудофаа вазирлиги тегишли бошқарма бошлиқлари, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигининг тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, Қуролли Кучлар фахрийлари, Тиббиёт академияси талабалари, бўлғуси ҳарбий-шифокор-курсантлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир факультет билан танишишдан бошланди. Сўнгра Қуролли Кучларимизга бағишланган фильм намойиш этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя масалаларига берилаётган эътибор тобора ортиб бораётганлиги ҳақида фикр билдирдилар. Ҳарбий-тиббий муассасалар замонавий тиббиёт жиҳозлари билан

таъминланганлиги, 2012 йилда ташкил этилган Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетида қисқа давр ичида бўлажак ҳарбий шифокорларга шифокорлик касби фаолияти давомида тўплаган тажрибаларини етказиб, уларни яхши мутахассис бўлиб етиштиришга муносиб ҳисса қўшаётган устоз ва мураббийлар ҳам соҳанинг ривожланишида фаол қатнашаётганликлари ҳақида алоҳида таъкидландилар.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучла-

ри ташкил этилганининг 23 йиллиги байрами муносабати билан ўз хизмат вази-фаларини сидқидилдан баҳариб келаётган юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда фаол иштирок этаётган Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети ҳарбий хизматчилари ва Қуролли Кучлар хизматчилари Тошкент Тиббиёт академияси ректорининг ва Мудофаа вазирлиги раҳбариятининг фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.


Шунингдек, байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи Ватанпарвар марказий кенгашининг ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигининг эсдалик совгалари факультетга топширилди.

Тадбир қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли жамоаси ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигининг Маданият ва спорт бўлими санъаткорларининг концерт дастури намойиш этилди.

**Д.САБИРОВ,**  
Тошкент Тиббиёт Академияси  
ҳузуридаги  
Ҳарбий-тиббиёт факультети  
бошлиғи тиббий хизмат  
подполковниги



Ақлли киши вақтини беҳуда ишларга  
сарф этмайди.



## Эътироф

## МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ВА БИР ОЛАМ ТААССУРОТ

Талабаларнинг қашки таътил даврини самарали ўтказиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни мамлакатимизнинг бой тарихи, олис ва буюк ўтмишдан сўзлайдиган обидалари, маданий ёдгорликлар, музейлар ҳамда бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан таништириш мақсадида Тошкент Тиббиёт академиясининг бир гуруҳ талабалари ва профессор-ўқитувчилари 26 декабрдан 29 декабргача Нукус, Урганч ва Хива шаҳарларида бўлиб қайтдилар.

Юртимизнинг бой тарихи, олис ва буюк ўтмишдан сўзлайдиган обидалар, маданий ёдгорликлар билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган ушбу сафар давомида ёшларимиз Нукус, Урганч ва Хива шаҳарларида мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий иншоотлар, маданият даргоҳлари ва ўқув юртлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

— Жаннатмакон ўлкамиз нақадар бой тарихий обидаларга эга, — дейди биз билан суҳбатда даволаш факультети 3-курс талабаси Нигора Акрамова. — Кўҳна ва навқирон Хива обидалари мени лол қолдирди. Мустақиллик шарофати билан бу обидалар қайта реконструкция қилиниб, хозирги авлод — биз ёшларга кўрсатилиши, улкан ва бетакрор тарихимиз нечоғлик бой тарихий меросга, бой тарихий маданиятга эга эканлигидан далолат беради.

— ЮНЕСКО билан ҳамкорликда уюштирилган (Хоразм олтин ҳалқаси) яъни Нукусдаги И.В.Савицкий номидаги тарихий музей мени лол қолдирди, — дейди биз билан суҳбатда тиббий педагогика факультети 2-курс талабаси Фотима Исломова. — Музейда 90 мингдан ортиқ экспонатлар бўлиб, бир йилда 70 мингдан ортиқ сайёҳ музейга кўргазмага келишар экан. Шундан 30 мингдан ортиғини хорижлик сайёҳлар ташкил этади. Музей экспонатлари шунчалар ранг-барангли уларни сўз билан ифодалаш қийин. Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал, мен барча тенгдошларимни ана шу экспонатларни ўз кўзлари билан кўришларини жуда-жуда истар эдим. Ушбу музей ташкилотчиси И.В.Савицкийга 2002 йилда Буюк хизматлари учун орденининг берилиши ҳам фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Қишки таътил кунларимизни шундай сермазмун ўтишига шароит яратиб берган ТТА раҳбариятига, биз билан сафарда бирга бўлиб, бизларга меҳрибончилик кўрсатган ТТА маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор Турдикул Бобомуратов раҳбарлигидаги бир гуруҳ устозларимизга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Қайси бир сафар иштирокчиси бўлган талаба билан сўзлашманг қалбларида бир олам ўчмас таассуротлар, юзларида табассум, бугунги дориламон замонамиздан миннатдор эканликларини эътироф этиб турибдилар.

**Кутбиддин НИЗОМОВ,**  
Тошкент Тиббиёт академияси катта ўқитувчиси



## ALISHER NAVOIY ASARLARIDA TA'LIM-TARBIYA

Buyuk mutafakkir Alisher Navoiy ilm-fan va san'atning adabiyot, tarix, til bilimlari, musiqa hattotlik, tasviriy san'atning rivojlantirish bilan birga ta'lim tarbiyani takomillashtirishga katta e'tibor berdi. U o'zining Xamsa, Mahbub-ul-qulub kabi yirik axloqiy asarlarida, shuningdek Munajat, Vaqfiya, Majolis-un-nafois, Muhokkamat-ul-lug'attayn asarlarida komil inson obrazlarini yaratib, ta'lim tarbiya to'g'risidagi fikrlarini ifodalagan bo'lsa, ta'limiy-axloqiy asarlarida esa komil insonni shakllantirish mazmuni, yo'llari, usullari bayon etdi.

Alisher Navoiy o'z davrining ilg'or ma'rifatparvar allomasi sifatida islomdagi, ta'lim-tarbiya to'g'risidagi o'g'itlarni, aqidalarni o'zidan ilgari o'tgan mutafakkirlarning pedagogik qarashlarini an'anaviy tarzda davom ettirdi.

Alisher Navoiy Hayrat-ul-abror dostonining o'n birinchi maqolatida, ilmni Quyosh, Oy va Kunduzga o'xshatib ular insonni baxt saodatga eltadi, deydi.

Alisher Navoiy ilmni inson kamolati uchun eng zarur fazilatlardan deb biladi. U ilmni insonni, xalqni nodonliklardan, jaholatdan qutqaruvchi omil sifatida ta'riflaydi, shunga ko'ra o'z asarlarida kishilarni, ilm-ma'rifatli bo'lishga undaydi. Ilm olish har bir kishining insoniy burchi deb hisoblaydi. Chunki ilm egallashdan maqsad ham xalqning ham o'z mamlakatining baxt-saodatli, hayot kechirishi uchun xizmat etishdan iboratdir, deb ta'riflaydi.

Alisher Navoiy hayotda o'z ilmiga amal qilish, o'rganganlarini hayotga tadbiq etish masalasiga alohida e'tibor beradi. Mahbub-ul-qulub asarida ilm o'rganib uni ishlatmagan kishi, shudgor qilib dehqonchilik qilmaganga yoki urug' sochib hosildan bahra olmaganga o'xshaydi.

**Ilm o'qib kilmog'on amal maqbul**

**Dona sochib ko'tarmadi mahsul**

Alisher Navoiy o'zi barpo etgan Ixlosiya madrasasida o'z zamonasining yetuk muddarislarini yig'di va ilm izlagan talabalar, ana shu madrasalarda ilm peshvolaridan ilm o'rgandi. Demak, Navoiy har bir yoshning aqliy kamolotga yetishida, ilm-u fanning ahamiyatini ko'rsatib, o'tish bilan birga jamiyat taraqqiyotining asosi sanalgan ilm ahli, olimlari, fozillarini hurmat qilishga ularni turmush darajasini yaxshilash masalalariga ham e'tiborni qaratdi.

Mana Alisher Navoiy va yashab o'tgan ulug' mutafakkirlar orzu qilgan, o'z asarlarida tasavvur etgan davrlar ham yetib keldi. Bizning yashayotgan Ona Vatanimizda buyuk mutafakkirlarning orzularini amalga oshirish, xalqni ma'naviyatini boyitish, ilm o'rgatish, har tomonlama yuksak darajada rivojlangan komil inson tarbiyalash masalalariga juda katta e'tibor qaratilmoqda.

**M.A.SAYDULLAYEVA**  
Tillar kafedrasining katta o'qituvchisi



## ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ

Соғлом овқатланиш маданияти — одоб-ахлоқ сингари ёшлиқдан тарбияланиб келиши керак. Соғлом овқатланиш маданияти деганимизда — биз қандайдир парҳез тутиш, вегетарианча овқатланиш ёки дастурхонни безашни назарда тутмаямиз. Соғлом овқатланиш маданияти инсон организмнинг ички муҳит доимийлиги ҳамда юқори даражадаги ҳаёт тарзини таъминловчи физиологик тўлақонли овқатланишга айтилади. Соғлом овқатланиш бир қатор қоидаларга амал қилишни ўз ичига олади. Албатта, у бир қанча билимларга таянган бўлиши керак: маҳсулотларнинг турлари, уларнинг организмга таъсири ва бир-бири билан мослиги. Соғлом овқатланиш унинг асосий тамойиллари: организмнинг кундалик энергия сарфига мутаносиб бўлиши; барча турдаги зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари, минераллар, витаминлар маълум миқдорда ҳамда маълум нисбатда мавжуд бўлиши; қабул қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий тузилиши меъда-ичак тизимидаги ферментлар тизимидаги максимал мос келиши. Соғлом

овқатланишга бўлган гигиеник талаблар: овқатланиш рационали — энергетик қувватмандлиги, сифатий таркиби, озуқа моддаларнинг меъёрлаштирилганлиги, турли хилда бўлиши, санитар-эпидемиологик хавфсиз бўлиши; овқатланиш тартиби: овқатланиш вақти ва даврийлиги, овқатланишлар сони ҳамда улар орасида кунлик рационни тақсимлаш (таркиби, миқдори, вазни); озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш вақти: овқатланиш хонасининг ҳолати ва безатилганлиги, овқатланиш столида овқатланиш анжомларининг жойлаштирилиши, хонанинг микроклими ва бошқалар. Дастурхон тузаш — бу нонушта, тушлик ва кечки овқатга тайёргарлик эмас, балки дастурхон тузаётган инсоннинг дидига ҳам боғлиқ бўлган катта санъатдир. Шундай қилиб, соғлом овқатланиш маданияти — биринчи навбатда шахсий интизом, ҳар бир инсоннинг ўз таомнамасини ақл билан шакллантириши ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам тартиб-интизом пайдо бўлганини сезишдир.

Гули ШАЙХОВА,  
профессор

## ҲИКМАТ БЎСТОНИ

*Бурч — ҳаётнинг мазмунидир.*

\*\*\*

*Бурчи йўқнинг — бурди йўқ.*

\*\*\*

*Бурчни сезиш — онглиқдир.*

\*\*\*

*Бурчни адо этиш — мукамалликдир.*

\*\*\*

*Қуёш билан ой ҳам бурч ўтайди.*

\*\*\*

*Ҳар бир тирик жоннинг ўз бурчи бор.*

\*\*\*

*Ҳуқуқ билан бурч — қушнинг икки қанотидек.*





*Уларнинг бири бўлмаса, ҳаёт майибланади.*

\*\*\*

*Ҳар бир одам аввал жамият олдида, сўнгра эса, ўз қадри олдида бурчдордир.*

\*\*\*

*Олтин ва сопол кўзаларнинг бурчи — бир хил.*



## СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ЯКУНИГА БИР НАЗАР

Юртбошимиз Ислам Каримов томондан 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб номланиши мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат даражасига кўтарилганлигининг яна бир мисоли бўлди. 2014 йилнинг 19 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Юртбошимиз Ислам Каримов айтганларидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган;

юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш;

давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат. Бунда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди.

Она ва бола скрининги дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди.

Мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Save the children халқаро ташкилоти

рейтинига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган унта мамлакат қаторидан жой олди.

Айни пайтда мутлақо соғлом болалар 63 фоиздан ошди (АҚШ, Англия, Франция, Японияда 70-72 фоиз).

Истиқлол йилларида аёлларнинг умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан 75 ёшга узайди.

Йил охиригача Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдоридан маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсад — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Хулоса шуки, ёшларга қаратилган эътибор Ватан тақдирига қаратилган эътибордир. Бундай ҳақиқатни ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.

**Алишер РАЗЗОҚОВ,**  
**ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси**  
**Мафтуна МИРАҲМЕДОВА,**  
**даволаш факультети талабаси**

## ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ — ОЛИЙ МАҚСАД

Бугунги глобаллашув даврда — инсон қалби ва онги учун кураш кетаётган бир пайтда мамлакатимизда юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш, уларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, онги ва тафаккурида юртва садоқат, Ватанга фидойилик каби фазилатларни ривожлантиришга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Келажагимиз ворислари бўлган ёшларни эркин дунёқараш, қатъий ҳаётий позицияга эга қилиб тарбиялаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларимизда, гоёвий-мафкуравий муаммоларга оид тадқиқот, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларида айни шу масаланинг кенг ёритилиши одамларда, хусусан, ёшлар тафаккурида мамлакатимиз олдида турган энг муҳим мақсад ва вазифалар ҳақида аниқ билим-тасаввурлар ҳосил қилиши зарур.

Яқинда Тошкент Тиббиёт академиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Юксак маънавиятли, мустақил

фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Анжуман давомида мавзуга оид фильм ҳам намойиш этилди.

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот марказининг бўлим мудири, профессор Г.Маткаримова, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти профессори А.Маврулов, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори Б.Алиев, Тошкент Давлат юридик университети доценти Э.Қодировлар сўзга чиқиб, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялашнинг ижтимоий-сиёсий мезонлари, маънавий омиллари, ҳозирги кунда ёшлар маънавиятига солинаётган таҳдидлар ва уларга қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тингловчиларга сўзлаб бердилар. Ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

**Дўстмурод НОРҚУЛОВ,**  
**Тошкент Тиббиёт академиясининг ижтимоий фанлар кафедраси мудири, профессор**



## Boburnoma—memuar asar

*Har kimki vafo qilsa vafo topqusidir,  
Har kimki jaf o qilsa, jaf torqusidir.  
Yaxshi kishi ko'rmagay yomonliq hargiz,  
har kimki yomon bo'lsa, jazo topqusidir.*

Zahiriddin Muhammad Bobur yirik davlat arbobi, mohir lashkar boshi bo'lib qolmay, buyuk shoir adib, mashhur siyosiy arbob hamdir. Boburnomani ingliz tiliga tarjima qilgan Uilyam Erskim Osiyodagi podshohlar ichida saxovatligi, mardligi, iste'dodi, fanga va san'atga munosabati, nafis nazmiy, nasriy ijodi jihatdan Bobur Mirzoga teng keladigan podshoh topib bo'lmaydi, deydi. Bobur Sharq mamlakatlari

taxtiga yarashib turgan hukumdorlarning yorqin nomoyondolaridan biridir. Uning shaxsi oliyanob inson va ulug' shohga mansub bo'lgan fazilatlardan tarkib topgan. U jasur tadbirkor hamda shijoatli sarkarda bo'lib kishilarni o'z ortidan ergashtira olgan tashkilotchi lashkarboshi edi.

Hali yosh bolaligidayoq taxtga o'tirib o'zining haqiqiy hukumdorga xos bo'lgan, fazilatlariga ega ekanligini ko'rsatdi. Biroq saroydagi fitnalar, chetdan kelgan bosqinlar shamoli Boburni ham chetlab o'tmadi. Uni uzoq ellarga etib tashladi, lekin Bobur qonidagi g'ayrat shijoat va iroda kuchi, uni hayot bo'ronlariga bardosh berib, tarixda o'zining o'chmas izini qoldirgan va barcha hayot sinovlariga dosh bera olgan Temuriyozda Bobur edi.

Boburning 100 dan ortiq g'azali 200 ga yaqin ruboiysi, yirik devonlari, Boburnoma, Hatti Boburiy, Harb ishi, Musiqi ilmi kabi asarlari ma'lum.

Boburni dunyoga tanitgan, eng nodir asari uning Boburnomasidir. Asarning qamrovi shu qadar keng, mazmuni shunchalik chuqur va mukammalki uni hech bir ikkilanmasdan hech bir mubolag'asiz, o'zbek adabiyotidagina emas, balki Jahon ilm fani va ma'daniyatining ham bebaho qomusiy asaridir.

Nodir tarixiy asar, qimmatli manbaa bo'lmish Boburnomada murakkab ijtimoiy-siyosiy voqea va jarayonlar bilan birga ilm-fan madaniyat va madaniyatning, xalq ommasi hayotining turli sohalariga taaluqli juda qimmatli faktlar va ma'lumotlar berilgan. Unda Boburning kesib o'tgan hayot yo'li yutuq-u kamchiliklari, go'libligi-yu mag'lubiyatlari qanday bo'lsa shundayligicha qo'shimchalarsiz, mubolag'alarsiz ilmiy xolisonalik asosida batafsil hikoya qilingan. Muallif hikoya usuli nihoyatda ravon va tushunarli. Bu asar

o'sha davrdagi Osiyo tarixini to'g'ri va to'la aks ettirgan yagona asardir. Boburnoma xv-asrning ikkinchi yami, 16-asrning birinchi yarmidagi Turkiston tarixini o'rganishda qimmatli manbaa hisoblanadi.

U Boburnoma asarida 80 dan ortiq shaxsning nomini tilga olib, 50 dan ortiq zamondoshi xulq odobi insoniyligi, naslnasabi, mansabi, kasbi, ijodi va ilmi-fanga qo'shgan hissasi to'g'risida to'xtaladi, ularga adolatli baholar beradi va o'z munosabatini bildiradi. Masalan, u o'z otasi Umarshayx mirzoning xulqi bunday yozadi:

Ravon savodi bor edi. Xamsatayn va masnaviy kitoblarni va tarixlarni o'qur edi. Aksar Shohnoma o'qir edi. Ta'bi nazmi bor edi, vale she'rga parvo qilmas edi. Bisyor sahovati bor edi.

Xulosa o'rinda, shuni aytilish mumkinki, Zahiriddin Muhammad Bobur o'zining ruboiylari, lirik asarlari bilan ham donishmand shoh va shoir sifatida aql zakovati buyuk tafakkuri, bilan ham milliy ham umumbashariy ma'naviyat va ma'rifat taraqqiyotiga katta hissa qo'shdi. O'zbek xalqi Zahiriddin Muhammad Boburdek benazir allomasi, buyuk o'g'li borligi bilan behad g'ururlanib, boshini baland, qaddini tik tutib yashashga to'la haqlidir. Boburning hayot va ijodiy yo'li barcha yoshlar uchun ibratli bo'la oladi.

Bizning Tibbiyot akademiyamizda ham Boburning hayoti va ijodiga bag'ishlangan ko'plab tadbirlar, Boburnonlik kechalari o'tkazilib turiladi. Akademiyaning har bir guruhida davra suhbatlari, talabalar turar joylarida badiiy kechalari o'tkazilishi uchun hozirdan tayyorgarlik boshlab yuborilgan.

**Naima SOLIHOVA,**  
**Tillar kafedrasi katta o'qituvchisi**

2015 йил — Кексаларни  
эъозлаш йили

## КЕКСАЛАРНИ ЭЪОЗЛАГАН ЭЛ

Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган ажойиб нақл бор. Дарҳақиқат ҳар бир хонадоннинг кўрки-ю таровати шу хонадон қариялари, уларнинг панду насиҳатлари ва ибратормуз ўғитлари биландир. Бизнинг қалбимизга нур-зиё, маърифат уруғларини қадовчилар, умуминсоний қадриятлар, урф-одатлару аъналарга юксак ҳурмат туйғусини уйғотувчилар, булар албатта бизнинг нуроний отахонларимиз ва пиру бадавлат онахонларимиздир.

Гудаклигида бобо ва момоларидан маталлар, эртақлар тинглаб руҳланмаган, ёвуз кучлардан нафратланмаган инсон топилмаса керак, албатта.

Халқимизнинг буюк тарихий мероси, қадриятлари кексаларимиз қалбида муҳрлангандир. Бир сўз билан айтганда кексаларимиз бизнинг жонли қомусий манбаларимиздир. Бу манбадан бутун халқимиз, фарзандларимиз озика олиб яшайди, шу манба асосида жамият равоқ топади, ривожланади.



Жорий 2015 йилнинг Президентимиз томонидан «Кексаларни эъозлаш йили» деб эътироф этилиши барчанинг кўнглидаги гап бўлди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов юртимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ кексаларга алоҳида эътибор қаратди, уларнинг ижтимоий муҳофазасини ўзининг бош мақсади деб билди.

Мамлакатимизда жорий 2015 йилнинг «Кексаларни эъозлаш йили» деб аталиши ҳуқуматимиз раҳбарининг кексаларимизга бўлган ҳурмати ва ишончининг ёрқин намунаси.

Қарияларимизга бўлган ҳурмат — бу қадриятларимизга, она-Ватанимизга бўлган ҳурматдир. Зеро, кексаларни эъозлаган эл асло кам бўлмайди.

**А.Н. САЙДУЛЛАЕВ,**  
**педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси**



*Мен Ўзбекистон Республикаси фарзанди эканлигимдан фахирланаман*

## ОНА ЮРТИМ САРҲАДЛАРИ ИШОНЧЛИ КЎЛЛАРДА...

**Бир инсон менга шундай савол берди: — Сиз ҳарбий либосни эгнингизга кийганингизда илк бор нимани ҳис қилгансиз?**

**Шунда мен бир оз сукут сақлагач: — Бу либосни киймасимдан олдин ўзимни фақат, ота-онамнинг фарзандиман деб ўйлар эдим, аммо ҳарбий либосни илк мартаба кийган ондаёқ мен нафақат ота-онамнинг балки энди бутун Ўзбек халқининг фарзанди эканлигимни ҳис қилганман...**

Ватан — бу сўзнинг замирида қанчадан-қанча юксак маъно ётади, Ватаннинг сеҳрли тафтини, бу Она юрт тупроқларида қолган улуғ аждодларимизнинг изларида, момоларим қошидаги ўсмаларнинг изларида, элас-эласлардан таралиб, бек боласининг қалбини зиёга тўлдирётган она алласининг оҳангида, шаҳар ва қишлоқ кўчаларидаги тунги чирокларнинг нақшин-кор жиловланишида, майин ёмғирдан сўнг, атрофга таралаётган ёқимли Она тупроқ ифорини қалбларда ҳис этиш мумкин.

Ўзбекистон шак-шубҳасиз жаннатмакон диёрдир. Ширинлиги тилни ёрадиган меваларга бой, сўлим боғу роғлари, ҳар бошоғи олтин уларга тенг улкан бугдой ва пахта далалари, ҳеч нарсага тенглаб бўлмайдиган нақшинкор табиат гўзаллиги ва энг асосийси меҳнаткаш, соддадил, қалби пок, иймони бут ўзбек халқи бунинг яққол исботидир. Шу боис зарларга тенг Она диёримизнинг тупроғини кўзимизга тўтиё айлаб, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Биз ўзбек ёшлари қанча фахрлансак шунча оздир, ахир шу Она заминимиз тупроғида довруғи дунёларни ларзага келтирган, ўзбек алломаларининг пок руҳлари ётибди. Бизлар эса уларга муносиб авлод бўлган ҳолда дунё майдонларида шуни исботлашимиз керакки, ўзбек деганда ер юзидаги ҳар бир инсон қалбида ҳавас учқунлари пайдо бўлсин. Мен, қувончим ичимга сиғмасдан шуни маълум қиламанки, Она заминимизни кўриқлашдек, шарафли бурчни адо этаётганим, томирларимда ҳақиқий ўзбек қони оқаётганидан фахрланаман. Чунки халқимизнинг тинч, осуда ҳаёти, жаннатмакон ватанимизни юксак марралар чўққиси сари етаклагай.

Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига ўқишга киришим бу орзуларимни рўйга чиқариш учун улкан йўл бўлди деб ўйлайман. Биз ёшларга қаратилаётган бундай олижаноб эътиборлари учун ҳурматли Юртбошимизга бутун ёшлар номидан чексиз раҳматлар айтаман. Мен

энг шарафли бўлмиш ҳарбий шифокорлик касбини танлаганим, бу юртимизнинг қалқонлари бўлмиш ҳарбийларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга, ватаним сарҳадларини ҳақиқий жасур алпомишлар кўриқлаши учун кўшмоқчи бўлган улкан ҳиссамни, ҳурматли Юртбошимиз ва халқимга бўлган садоқатим намунаси деб биламан. Ҳарбий шифокорлар — нақадар шарафли касб эгалари. Ахир улар қандайдир маънода нафақат ҳарбийларнинг, балким бутун ўзбек халқининг соғлиғи ва тинчлигининг улкан устунларидир. Шифокор бўлиш мумкин, агар истак ва интилиш бўлса бас. Лекин ҳарбий шифокор бўлиш учун юксак салоҳиятли малака, интеллектуал билим ва кўникмалардан ташқари она юртга бўлган оташин севги, халқига бўлган улкан садоқат, аждодлари сингари кўксидан тўғён ураётган мардлик ва жасурлик каби фазилатлар мужассам бўлиши керак.

Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетимиз эндигина икки ёшга тўлишига қарамасдан малакали офицер кадрларни юртимизнинг ҳарбий кўшинларига жойлаштиришга ҳам аллақачон улгурди. Бу эса ўз навбатида бизнинг ёш офицер кадрларимиз ватан олдидаги бурчини астойдил, сидқидилдан, етук профессионал даражада адо этаётганликлари учун факультетимиз шарафига келаётган ташаккурномалардан ҳам англаш мумкин. Бу каби улкан ютуқлар биз ёшларни касбимизга, ватанимизга ва халқимизга бўлган муҳаббатимизнинг янада юксалишига катта куч бўлиб хизмат қилади.

Ватан ҳимоячилар — бундай шарафли номга, кеча-ю кундуз ухлამасдан, иқлимнинг ҳар қандай инжиқликларига чидаган ҳолда, ўз кўксини шу азиз она тупроқ учун, шу эл-юрт ва халқ учун оловга ташлаб мустаҳкам қалқон бўлиб, жамиятнинг негизи бўлиб келаётган муқаддас оилалар гўзал ва бардавом бўлиши, осуда ҳаёт кечириши, бу оилаларда азиз ва муқаддас Ўзбекистоннинг равнақи, гуллаб-яшнаши учун жасур ворислар дунёга келиши учун шарафли бурчини адо этаётган мард ва жасур ўзбек ўғлонлари муносибдир.

**Қайси юртда чинакам ботир бўлса йигитлар  
Ўшал юртнинг эллари ёвларга қул бўлмагай!**

Шу боис ҳеч иккиланмасдан баралла айтаоламан: Жаннатмакон она юртимиз сарҳадлари дахлсизлиги хамиша ишончли кўлларда...

**Юнус НАЗАРОВ,**

**Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги  
Ҳарбий-тиббиёт факультети курсанти**



Ўзбекистон мустақиллик йилларида замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг таянчи, осойишта ҳаётимизни самара-

ли ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Миллий армияни шакллантириш бўйича кенг кўламли ва

миқёсига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилади. Бугунги кунда дунёда рўй бераётган можароларни, тўқнашувларни, халқаро терроризм ва диний экстремизм тажовузларига қарши курашиш, мамлакатимиз ҳудудида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Миллий армиямизни ислоҳ этишни унинг мудоффа қудратини жанговар салоҳиятини ошириш давр талаби бўлиб, профессионал жиҳатдан пухта тайёрланган, амалдаги армиямиз юрт таянчига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Парламентининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ўқув му-

ассасалари тўғрисидаги Қарор асосида 1993 йилдан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди. Шу муносабат билан қутлуғ сана мамлакатимизда кенг нишонланиб, Ватан ҳимоячилари кунда Ватанимиз тинчлиги учун курашганлар ҳам эъзозланиб келинмоқда.

## ВАТАНИМИЗ ПОСБОНЛАРИ — ЮРТ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ТТА қошидаги академик лицейда Олмазор тумани ҳокимияти Хотинқизлар кўмитаси ҳамкорлигида Аскар оналарини шарафлаймиз маънавий-маърифий тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ташриф буюрдилар. Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 23 йиллиги муносабати билан Тошкент ҳарбий округи офицерлари, муддатли ҳарбий хизмат аскарлари ҳам ташриф буюриб, Олмазор туманида истиқомат қиладиган аёллар, кексалар ва фахрийларга эҳтиром билдириб

байрам билан табрикладилар. Тошкент шаҳар ҳарбий округи кўмондонининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари У.Б. Дўстмаматов, залда ўтирган фахрийларни байрам билан табриқлаб, Қуролли Кучлари сафида Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя

қилишга бел боғлаган фарзандларимиз борлиги, уларнинг сафлари тобора кўпайиб бораётганлиги

ни маълум қилди. Миллий армиямиз сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимизда тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартаф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир ишончли қалқондир. Зеро, бобокалонимиз Амир Темурнинг Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват бой бўлур деган сўзлари бежизга айтилмаганлиги, Ватанимиз посбонлари — юрт таянчи ва суюнчи эканлигига яна бир қарра амин бўламиз.

**Ш.С.ЮНУСОВА,**  
**ТТА қошидаги академик  
лицей ижтимоий фанлар  
кафедраси мудири**

